Ушбу сонда:
2 Ибрат БОҒЧАДА ТАБИАТ БОҒИ
3 «БИР ЎЛКАКИ, САЛ КЎРМАСА, ҚУЁШ СОҒИНАР...»
8 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 8 январ, шанба № 5 (1846)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва хукуматлар, халкаро ташкилотлар рахбарларидан Янги 2005 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, бахт-саодат ва равнақ тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изхор этилган самимий қутловлар ҳамон келиб турибди.

Қуйидагилар давлатимиз раҳбарига самимий қутловлар йўллашган:

Европа Иттифоқи Кенгаши Бош котиби Хавьер Солана;
НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер;
Туркия Республикаси Президенти Ахмет Неждет Сезер;
Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Таййип Эрдоған;
Исроил Давлати Президенти Моше Кацав;
Ирландия Президенти Мэри Макэлис;
Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневский;
Венгрия Республикаси Президенти Ференц Мадл;
Сербия ва Черногория Президенти Светозар Марович;
Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулос;
Бразилия Республикаси Президенти Луиз Игнасио Лула да Сильва;
Мальта Президенти Лоуренс Гонци.

Долзарб мавзу

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

соҳасида касаба уюшмалари ва хўжалик органларининг ҳамкорликдаги фаолияти хусусида

Хозирги кунда Республикада янгиланаётган иктисодий муносабатларга мутаносиб бўлган давлат бошкаруви янги тизимини ташкил этиш бўйича жадал жараён кетмокда. Иктисодиётни бошкариш бўйича давлатнинг роли кискармокда, тадбиркорликнинг ва иктисодий муносабатларнинг эркинлиги амалга оширилянти. Равшанки, мехнатни мухофаза килиш соҳасида давлат сиёсатининг энг асосий тамойили конунчилик томонидан мустаҳкамланган ишлаб чикариш фаолиятининг натижаларига нисбатан ишчининг соғлиғи ва ҳаётининг устуворлиги ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилишни ташкиллаштириш бўйича Республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган ишлар одатда, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) тавсиялари ва конвенцияларига, шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган бир қатор қарорларга асосланади. Бундай ўзгаришлар ва янгиликлар касаба уюшмалари олдига ўзларининг молиявий маблағларини тўлақонли ишлатишлари учун, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш методларини амалга ошириш, юклатилган вазифаларнинг бажарилишига баҳо бериш учун ижтимоий шерикчиликка асосланган илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ўзининг вазифаларини, тизимини, иш усули ва методларини қайта кўриб чиқиш вазифасини юклайди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши уч томонлама ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган меҳнат қонунчилигининг ажралмас қисми сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш масаласини доимий диққат марказида тутиб келмоқда. Шунингдек, ЎзКУФК ишчиларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига хавф туғдираётган зарарли ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ишчиларни муҳофазалаш меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг асосий мақсади деб ҳисоблайди ҳамда зарарли оқибатлар сабаб бўлган жароҳатлар учун компенсация тўлашни таъминлашни ҳам асосий вазифа деб билмоқда. Шунинг учун касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва бозор муносабати шароитида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун янги шароитларга мослаштириш кераклигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд аҳвол ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди.

Буни қуйидагилардан ҳам кўриш мумкин. Ишчиларга сезиларли моддий ва маънавий зарар етказувчи, ишлаб чиқариш травматизми, касбий касалликлар ва ҳалокатларнинг ўсиши учун замин яратаётган ўз умрини ўтаб бўлган асбоб-ускуналардан фойдаланилаётганлиги, меҳнатни муҳофаза қилишга сарфланадиган маблағларнинг кескин пасайиши, иш берувчиларни соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратишга ундовчи иқтисодий омиллар мавжуд эмаслиги, ишчиларнинг малакаси етишмаслиги, меҳнат ва технологик интизомнинг талаб даражасида эмаслигидир.

Статистик маълумотларга қараганда, агар республика бўйича 2003 йилда ҳар бир ишчига ўрта ҳисобда меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадида 10,8 минг сўм сарфланган бўлса, Қорақалпоғистон республикаси, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятлари ҳамда қатор вазирликлар тизимида бу кўрсаткич янада пасайиб кетган. Табиийки, шу каби камчиликлар оқибатида кимлардир касб касаллиги ҳамда ишлаб чиқариш жароҳатидан ногирон бўлиб қолмоқда.

Бошқарув тизими ва меҳнат муҳофазаси назоратининг пасайиб кетиши натижасида корхоналарда профилактик ишлар сусайганлиги кузатилмоқда. Тегишли қўмита ва комиссиялар, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар институти катта қийинчиликлар билан ташкил этилмоқда. Қатор корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар сони етарли эмас ва ажабланарлиси шуки, улар сайланиш ўрнига раҳбарлар томонидан тайинланмоқда. Кадрларни ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари қайсидир ўринда эътибордан четда қолмоқда. Касаба уюшмаларини ташвишга солаётган масалалардан яна бири республикада ишлаб чиқарилаётган махсус кийимларнинг, якка тартибдаги ҳимоя воситаларининг энг керакли турлари топилмаётганидир. Корхоналар назорат ўлчов асбоблари, хавфсизлик воситалари билан қайта жиҳозланиши ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳозирги ҳолатини атрофлича муҳокама қилиб, касаба уюшмалари ва хўжалик органларининг бу соҳадаги ишларини етарли эмас, деб ҳисоблайди. Муҳим соҳада туб бурилишга эришиш, муаммоларни биргаликда ҳал этиш омилкорликни, қатъиятликни, ташаббус кўрсатиб ишлашни тақозо этади.

Раҳима ЖЎРАҚУЛОВА,
«Ишонч» мухбири

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШГА ҲАММА НАРСА ШАЙ

Шу йил 9 январ куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи 946 та сайлов округида такрорий овоз бериш бўлиб ўтади. Ушбу муҳим тадбирга тегишли сайлов округлари ва участкаларида жиддий ҳозирлик кўрилмоқда.

2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайловда ушбу округлардан депутатликка кўрсатилган номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун етарли овоз ололмади. Энди ҳар бир тегишли округ ҳудудидаги сайловчилар асосий сайловда энг кўп овоз олган икки нафар номзоддан ўзлари мақбул топганига такрорий овоз берадилар.

Жойларда номзодларнинг сайловолди ташвиқоти, сайловчилар билан учрашувлари ниҳоясига етмоқда. Ушбу тадбирларда жамият тараққиётида қонун ижодкорлиги ва унинг аҳамияти, халқчил ва ҳаётий қонунлар яратиш, мавжудларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар асосий мавзуга айланган.

Такрорий овоз бериш пойтахтимиздаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи олтита округда, шу жумладан, 3-Темирйўл сайлов округида ҳам бўлиб ўтади. Айни пайтда бу ерда такрорий овоз беришнинг қонун талаблари доирасида ўтказилишини таъминлаш учун тегишли сайлов жиҳозлари тахт, сайловчилар учун зарур барча шароит яратилган.

(ЎзА)



ТИББИЁТ МАСКАНИ

Нишон туманида янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Маҳаллий бюджет ва фермерлар ҳомийлигида бунёд этилган ушбу тиббиёт масканида терапия, ташхис қўйиш, аёллар ва болалар касалликларини даволаш хоналари, шунингдек, кундузги стационар мавжуд. Аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғлигини мустаҳкамлаш учун барча қулайликлар яратилган.

«СОҒЛОМ АВЛОД»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сиҳат-саломатлик йилида оналик ва болаликни мухофаза килиш, ёш авлодни баркамол вояга етказиш борасидаги хайрли ишларни янада кучайтирмокда.

Жамғарманинг Тошкент вилоят бўлими Германиянинг «Friedensdorf International» ташкилоти гранти ҳисобидан 1-Тошкент давлат тиббиёт институти ва «Алишер - тиббиёт» хусусий клиникаси билан ҳамкорликда лаб-танглайида туғма нуқсони бўлган болаларни улар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларнинг ўзида даволашни йўлга қўйди. Бундай хасталикка чалинган йигирма бола жарроҳлик йўли билан даволанди.

Жамғарманинг вилоят бўлими раиси Гулсанам Ваҳобованинг айтишича, олис қишлоқларда яшайдиган кам таъминланган оилалар ўз фарзандини пойтахтга олиб келиб текширтириш ва даволатишга ҳамиша ҳам имкон тополмаслиги мумкин. Шуни ҳисобга олиб, шифокорларнинг ўзи уларнинг олдига боряпти. Ташхиси аниқлангач, бемор болалар «Алишер - тиббиёт» клиникасида операция қилинади. Жорий йилнинг охирига қадар эллик нафардан зиёд болани ана шу йўл билан даволаш кўзда тутилган.

Касаба уюшма аралашуви билан

Истиқболни босиб ўтилган йўл, амалга оширилган иш, фаолият таҳлили белгилайди. Зеро, муваффакият камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, пишик-пухта ҳаракат дастурини белгилаб олиш билан белгиланади. Хўш, соғликни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмита раислари, Сирдарё вилоят кенгашининг бу борадаги амалиёти қандай? Тармоқ кенгаши фаолиятида турғунлик, оқсашлар сезилмаяптими? Умуман олганда соҳа ходимлари ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимояси қандай ташкил этилаётир?

УЧ ЯРИМ МИЛЛИОН

сўмлик қайта ҳисобланган иш ҳақи ундириб берилди

Таъкидлаш жоиз, тармоқ кенгаши муросасозлик, камчиликлардан кўз юмушдек одатлардан ҳоли. Буни кенгашда кўтарилган масалалардан ҳам билиб олиш мумкин. Эътиборли жиҳати, бошланғич ташкилотлар нуфузини ошириш, етакчилар ҳуқуқий савияси ва билимларини юксалтириш борасида анча-мунча ишлар қилинган. Ўтган бир йил мобайнида айнан шу мавзуда 32 маротаба ўқув семинарлари ўтказилгани ҳам фиркримиз далилидир. Хўш, бу изланиш қандай натижа берди? Аввало, тармоқда касаба уюшма аралашуви билан бир қатор ҳуқуқий камситишларга барҳам берилди. Қолаверса, меҳнаткашларга ҳақ тўлашдаги номутаносибликларга чек қўйилди. Бир мисол. Гулистон шаҳар марказий шифохонаси ошпази Феруза Мамараимова қарийб бир йил II разряддаги ойлик маошга ишлаб келган. Касаба уюшма ташкилоти эса ходимга иш ҳақи тўлашда меъёрий ҳужжатлар нотўғри қўлланаётганлигини исботлади. Натижада ходимга ҳақ тўлаш IV разрядга кўтарилиб кам тўланган 48 минг сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Худди шундай ҳолатда ишлаб келаётган ходимлар У.Бобоев, К.Мусурмонов ва бошқаларга ҳам тўланадиган қўшимча тўловлар вилоят вакиллиги аралашуви билан ундирилди.

– 12 та муассасада текширув ўтказдик, - дейди тармоқ қўмитаси вилоят вакили Раъно Абдалимова.– 126 нафар ходимга нотўғри ҳақ тўланганлиги маълум бўлди. Бизнинг аралашувимиз билан уларга 3,5 миллион сўмлик қайта ҳисобланган иш ҳақлари ундириб берилди.

Иш берувчилар томонидан йўл қўйилаётган хатоларнинг яна бир жиҳати бор. Олайлик ишдан бўшатиш. Ачинарли томони, аксарият иш берувчилар касаба уюшма розилигисиз ходимни ишдан ҳайдашдек қусурдан ҳоли бўлишолмаяпти. Оқибатда бу ўзбошимчалик касаба уюшманинг ишдан эътирозига сабаб бўлаяпти. Аксарият ҳолларда маъмуриятга ўз қарорларини бекор қилишга, ишдан бўшатилган ходимни ўз ўрнига тиклашга, мажбуран бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлашга тўғри келмоқда. Ахир, қонундан чекинган қоқилади-да. Янгиер шаҳар марказий шифохонасида худди шундай ҳол юз берди. Лаборатория мудири Елизавета Ли иш берувчи ташаббуси билан ўз вазифасидан озод қилинди. Аммо касаба уюшма бундан мутлақо бехабар қолди. Сайхунобод туман марказий шифохонаси ходими М.Жабборов, Соғлиқни сақлаш бошқармаси махсус автокорхонаси ҳайдовчиси М.Абдурахмоновлар билан ҳам ана шундй муносабатда бўлинди. Охир-оқибатда масалага касаба уюшма аралашди. Мажбуран ишдан бўшатилганлар ўз ишларига тикланди.

Касаба уюшма вазифаси қўлами кенг. Унга дахлдор бўлмаган масаланинг ўзи йўқ ҳисоби. Фақат бир англаб етиш, бурчга садоқатли бўлиш керак. Тармоқ вакиллиги соҳа ходимлари ҳимоясига ҳеч маҳал бефарқ бўлган эмас. Ҳар жабҳада ҳимоя қалқони, ишончли вакили бўлиб келаяпти. Мавзудан чекинмаган ҳолда бир мисолга тўхталиб ўтсак. Ўтган йилнинг 7 июнида вилоят молия бошқармаси томонидан Сирдарё туман марказий шифохонасида текширув ўтказилиб, штат жадвали нотўғри тузилган дея топилди ҳамда кун тартибига жамоага тўланган 1017833 сўм маблағни бюджетга қайтариш масаласи қўйилди. Ана шу чоғда тармоқ вакиллиги четда томошабин бўлиб турмади. Тегишли меъёрий ҳужжатларни молия бошқармасига тақдим этди ва масала ижобий ечим топди. Худди шундай ҳолат вилоят болалар шифохонаси, эндокринология диспансери, Сайхунобод, Сардоба марказий шифохоналарида ҳам қайд этилди. Демоқчимизки, ходим манфаати устуворлигини ҳимоялашда тармоқ вакиллиги ҳар қандай баҳс-мунозарага шай турибди.

Тўғри, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Сайхунобод ва Мирзаобод туман марказий шифохоналарида 2 ва ундан ортиқ фарзанди бор, 12 ёшгача бола тарбиялаётган аёлларга қўшимча таътиллар белгилаш, зарарли иш шароитида ишлаётганларни рағбатлантириш, сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминлашга панжа орасидан қараб келинаётир. Бу ҳудудлардаги бошланғичлар фаолиятида жанговорлик етишмаётгани ҳам яққол сезилиб қолаяпти.

Вакиллик ҳужжатларига кўз югуртириб айрим шифохона раҳбарларининг чаласаводлигидан энсангиз қотади. Мана сиз ҳам бир танишиб қўйинг. Мирзаобод туман марказий шифохонаси маъмуриятининг буйруғи билан туман поликлиникаси таъмирлаш учун маълум муддатга ёпилади. Бу ерда хизмат қилаётган барча ходимга розилигисиз ўз ҳисобидан мажбурий ҳақ тўланмайдиган таътил бериб юборилади. Ёки Янгиер шаҳар марказий шифохонасида бош ҳакимнинг 2003 йил 188 сонли буйруғига асосан Меҳнат Кодексининг 164-моддасига зид равишда ходимлардан ҳар чоракда бир кунлик иш ҳақини бухгалтерия томонидан олиб қолиш одат тусини олган. Бу қоидабузарликка тармоқ вакиллиги томонидан ўз вақтида барҳам берилган, албатта. Аммо бундай қонунбузарлик ҳолатлари, ўзбошимчаликнинг жабрини қанча одам тортди.

Соҳа ходимлари ва улар фарзандларини соғломлаштириш назардан четда қолмаяпти. Ўтган фурсатда 224 бола ёзгим оромгоҳларда, 82 та тиббиёт ходимлари санаторий-профилакторийларда саломатликларини тиклади. Келишув ва жамоа шартномалари орқали 1560 аёлга қўшимча таътил берилди. 617 та кўп болали, гўдак фарзанди бор аёлларга қисқартирилган иш кунлари жорий этилди. Уларга 470 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Қисқаси, тармоқ вакиллиги меҳнаткаш манфаати, унинг ҳимоясида собит туриб келаяпти.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Бугунги рахбардан талаб қилинаётган асосий нарса: ташаббускорлик, фидойилик, одамлар ташвиши билан яшаш, янги иш ўринларини яратиш, жамоанинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш, ўзи бош бўлган жамоада соғлом мухит барпо этиш. Президентимиз халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратди.

ҲАЙРАТОМУЗ ҲОЛАТ

ўн икки йил олдин чиқарилган буйруқ туфайли юзага келди

Ҳуқуқий давлат, демократик, эркин жамият қуриш йўлини танлаган ҳар қандай мамлакат учун бу ғоят муҳим омил ҳисобланади. Бош Қомусимизда ҳам инсон манфаати устувор эканлиги қонунан мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо, афсуски, эзгу ниятларимизга зид бўлган ҳатти-ҳаракатларга ҳам дуч келиб қоламиз. Айрим мутасаддилар қўл остидагиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини кўр-кўрона камситишгача бориб етганлиги айниқса, ачинарли ҳолдир.

Хизмат сафари чоғида Риштон туманидаги болалар поликлиникасида ана шундай ҳолатнинг гувоҳига айландик. 130 нафардан зиёд ишловчини ўзида жамлаган бу тиббий муассаса мамлакатимиз келажаги бўлмиш фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилмоқда. Кичкинтойлар турли касалликларга чалинишига барҳам беришда улар эртаю кеч камарбаста.

Лекин ҳозирги кунда ана шу жамоанинг ҳаловати бузилган. Айниқса, рўйхатга олиш бўлимида меҳнат қилиб келаётган етти нафар аёл на кундалик вазифасини сидқидилдан бажара олади, на бошқа бир ишнинг этагидан тута олади.

Хўш, нега шундай ҳол юз берди, деган ҳақли савол туғилади. Ҳаммасига туман соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўтган йил 15 октябрдаги 244-сонли буйруғи сабабдир. Унда шундай сатрлар бор: «... ўрта тиббиёт ходимларидан самарали фойдаланиш ва тиббий рўйхатга олувчи ходимлар меҳнатини қайта ташкил этиш лозим, деб топилсин...» Бунга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўн икки йил аввал чиқарилган буйруқлар асос қилиб олинган. Бир қарашда бозор шароитида учраб турадиган оддий ҳолга ўхшайди, бироқ...

Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади, – дейди рўйхатга олиш бўлимининг етти нафар ходимлари. – Неча йилларидан буён шу бўлимда фаолият кўрсатамиз. Кейинги даврда тиббиётга талаб кучайди. Айниқса, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш даврнинг долзарб масаласига айланди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992-93 йиллардаги қарорлари ҳам айнан ана шу мақсадга йўғрилган. Аммо англашимизча, тизимга тааллуқли қарор бўлгач, вилоят бошқармаси унинг ижросини таъминлаш учун туман бўлимларига буйруқ ва тавсияномалар киритиб, ходимларни вақтида огоҳлантириш ёки уларнинг малакасини оширишга, ўқиб олишига имкон бериши керак эмасми?! Афсуски, бизнинг туманимизга юқори ташкилот қабул қилган қарорлар ўн икки йилда зўрға етиб келди. Хўш, энди биз нима қилишимиз керак? Ўз даврида огоҳлантирилганимизда эҳтимол мутахассисликларни эгаллаган бўлардик. Ҳозир эса ҳар биримизнинг уч-тўрт нафардан фарзандларимиз бор, айримларимизда ўзимиздан бошқа ишловчи йўқ. Буни бош шифокоримизга айтсак, бизни тушунишни истамаяпти.

Ишловчиларнинг эътирозларига аниқлик киритиш мақсадида туман соғлиқни сақлаш муассасаси кадрлар бўлими бошлиғи Содирхон Холматхоновга учрашдик.

– Бош шифокор ҳам, мен ҳам янгитдан иш бошлаганмиз, – дейди у. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўша йилларда чиқарган буйруқлари ижроси туманимизда нима учун таъминланмаганлигини билмайман. Лекин яқинда вилоят марказига уч кунлик малака оширишга чақиришди ва шу жойда ўша буйруқлар ижроси таъминланмай қолаётганлиги учун қаттиқ дакки беришди.

Шу ўринда туман тиббиёт муассасаси бошлиғининг чиқарган буйруғига ҳам алоҳида тўхталишни лозим топдик. Мазкур ҳужжатда тиббий рўйхатга олувчи ходимлар меҳнатини қайта ташкил этишдаги ўзгаришлар, яъни тиббий рўйхатга олувчи ходимлар номенклатурасига асосан ўрта махсус тиббий маълумотга эга бўлишлари кераклигини эътиборга олиб, Меҳнат Кодексининг 100-модда, 2-қисм, 1-бандига кўра шартнома бекор қилиниши назарда тутилган.

Меҳнат Кодексининг мазкур моддаси ва банди меҳнатни қайта ташкил этиш учун эмас, балки ходимни қисқартиришга хизмат қилишини англаб етмаслик ҳам иш берувчининг хатосидир. Бу ҳақда муассаса кадрлар бўлими бошлиғидан сўраганимизда биз ҳеч кимни қисқартиришга туширгиримиз йўқ, аксинча, бу жойда тиббиёт мутахассислари ишлаши лозим, буйруқ бўлимнинг ҳуқуқшуноси билан ҳамкорликда тайёрланган, дея изоҳ берди.

Лекин рўйхатга олиш бўлимидаги ходимлар тақдири нечун уни ташвишлантирмаётгани ажабланарли. Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидланган қуйидаги сўзлар бу жойдаги мутасаддиларни ҳам зора мушоҳада юритишга ундаса. «Раҳбарнинг обрў-эътибори унинг савлат-салобатида эмас,балки унга ишонч ва ҳурмат билдираётган жамоасига бўлган самимий муносабатида, ишловчиларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган амалий ишларида намоён бўлади».

А.ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ислоҳот мевалари

Оролбўйи саноатчилари қайта ишлаган пахта толаси сифатининг халқаро миқёсда эътироф этилишида «Чимбой» очиқ ҳиссадорлик жамияти фидойи жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Корхонада барча иш жараёнлари ихчамлаштирилиб, қисқа технологияга ўтилганлиги хомашёни стандарт меъёрларида қайта ишлаш, цехларда уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, саранжом-саришталикни таъминлаш, энг муҳими электр энергиясини 25-30 фоиз иқтисод қилиш имкониятини яратди.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

ўттиз фоиз иқтисод қилиняпти

Маҳсулот сифати — корхона кузгуси ҳисобланади. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг моддий манфаатдорлиги, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга боғлиқ.

Завод цехларининг таъмирдан чиқарилганлиги, иш жойларининг санитария-гигиеник ҳолати яхшиланганлиги меҳнат унумдорлиги кўтарилишига ижобий таъсир курсатди. Бурноғи йил ҳосилидан 1800 тонна хомашё тайёрланиб, тола чиқиши ўртача 32,7 фоизни ташкил этди. Маҳсулотнинг тўқсон фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинаяпти.

2004 йил ҳосили янада баракали бўлди. Чимбой ва Қораўзак туманларидан 13262 тонна «оқ олтин» қабул қилинди. Пахта тозаловчиларнинг юмушлари кўпайди. Кенгес, Қуралпа, Қаршингали, Қоракўл ва завод қошидаги пахта қабул қилиш масканларига келтирилган ҳосил ғарамлаб, ёғин-сочиндан сақлаш учун брезентлар билан ёпилди. Махсус ҳаво ўтказгичлар қўйилиб, намлик ва қуруқликнинг меъёрида бўлиши таъминланди. Ҳозирга қадар 4200 тоннадан ортиқ пахта қайта ишланди. 1400 тоннадан ортиқ тола олинди. Завод цехларида меҳнат авжида.

Уч юздан ортиқ ишчилар узлуксиз меҳнат қилаяпти. Корхона ҳисобидан бир маҳал иссиқ овқат, сут маҳсулотлари бериб борилади. Озиқ-овқатга 5 миллион, кийим-кечак ва ҳимоя воситалари учун 1,2 миллион сўм маблағ сарфланди. Завод ёнидаги 50 ўринли ошхонада сифатли ва мазали таомлар тайёрланаяпти.

Тажрибали ҳамшира Гулбаҳор Камолова хизмат кўрсатаётган тиббий масканда биринчи ёрдам олиш мумкин, дори-дармонлар етарли. Энг муҳими, малакали ҳамшира нафақат муолажаси, балки ширин сўзи билан ҳам беморлар дардига шифо топади.

Смена устаси Муратбой Исоқов бошлиқ жамоа ҳузуридамиз. Пахтани чанг, гард, чаноқ қолдиқларидан тозалаб, толага айлантирадиган дастгоҳлар тўла қувват билан ҳаракатланмоқда. Жин агрегатида ишлаётган Шинебой Қолмағамбетов, прессловчи Пердебой Бектурсунов, линтерловчи Йўлдошбой Жонузоқовларнинг қўли қўлига тегмайди.

– Бир кеча-кундузда қирқ тоннагача тола ишлаб чиқарилаяпти, – дейди бригада етакчиси. – Агар дастгоҳлар тўхтаб қолса, маҳсулот сифатига зарар етади. Чунки пахтани қайта ишлаш жараёни бир мунча мураккаб бўлиб, аниқликни пишиқ ва пухталикни тақозо этади.

Бригада етакчилари Ўнгарбой Давлатмуродов, Товбегали Бўронов, Ғайрат Анзиев, Собирбой Давлатмуродов, Мухтор Енбергенов, линтерчи Жумахон Менглимамбетова, Лизахон Нанметова, прессловчи Ниятбой Қодирбоев, Қоржовбой Узоқбоевларнинг самарали меҳнати туфайли ҳосилдорлик ва сифат кундан-кунга ошаяпти.

Корхонамизда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган республика ўқув машғулотлари ўтказилди. Ходимлар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, тайёргарликдан ўтишди.

Ялпи маҳсулот миқдорини 2 миллиард сўмдан оширишга аҳд қилган ҳиссадорлик жамиятида соф фойда 150-200 миллион сўмни ташкил этади.

Хуллас, ходимларга қулай шароит яратилганлиги, моддий ва маънавий рағбатлантириш тўғри йўлга қўйилганлиги жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамламоқда.

И.ТИЛЛАЕВ

НАВРЎЗЛИКЛАР ҚУВОНЧИ

Юқори Чирчиқ туманидаги «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида уч мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатадиган янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

Ана шундай қишлоқ врачлик пункти Қуйи Чирчиқ туманидаги «Қўрғонча» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам ишга туширилди.

Уларда умумий амалиёт шифокори, эмлаш хонаси, дорихона, акушер-гинеколог, физиотерапия, стоматология бўлимлари, муолажа, дам олиш хоналари, кундузги стационар ишлаб турибди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Янги йил арафасида яна бир кўркам иморат Миришкор туманидаги «Жейнов» қишлоғи чиройига чирой қўшди. Бу ерда бунёд этилаётган Олимпия заҳиралари спорт мажмуининг биринчи навбати – беш минг томошабинга мўлжалланган футбол ўйингоҳи қуриб битказилди. Мажмуа «Жейнов» ширкат хўжалиги маблағи ҳисобига барпо этилмоқда.

Суратда: «Жейнов» ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони (чапдан иккинчи) Муродулло Саидов бунёдкорлар орасида.

Ш.ШАРОПОВ
(ЎзА) олган сурат

ЙЎЛСОЗЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда йўл қурилиш соҳасига ҳам жиддий эътибор берилди. Шу боисдан автомобил йўлларимиз ҳолати ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Хусусан, автомобил қатновини тартибга солиш, йўлларни жаҳон андозаларига мослаш борасида илғор йўлсозларимиз хизматлари катта бўлмоқда.

Жумладан, бу борада туман йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоаси ҳам салмоқли ишларни бажариб келишмоқда. Корхонага 249 километр йўл қарайди. Уларнинг 85 километри республика, 118 километри вилоят аҳамиятига эга.

Ўтган йил мобайнида уларни таъмирлаш, янгиларини барпо этиш учун 217 миллион 519 минг сўмлик маблағ сарфланди. Бажарилган ишлар кўлами билан танишар эканмиз йўлларнинг ҳолатини сақлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, белгилар қўйиш, бекатларни таъмирлашни ўзларининг асосий вазифаси деб билган йўлсозлар ўз бурчларини аъло даражада уддасидан чиқаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Чинданда жамоа меҳнатининг натижаси чакки эмас. Соҳада янги замонавий технологияни жорий қилиш борасида ҳам бир қанча ишлар қилинди. Тежалган маблағ корхона иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳамда йўлсозларни ижтимоий муҳофазалашга сарфланмоқда.

Корхона раҳбарият ва касаба уюшма қўмитаси ходимларининг дам олишлари ва соғлиқларини тиклашга катта аҳамият бермоқда. Бу эса ўз навбатида йўлсозлар кайфиятига ижобий таъсир этиб янада унумлироқ ишлашга чорламоқда.

Абдумажит МАМАТОВ,
Бўка туман йўл хўжалик пудрат-таъмирлаш фойдаланиш корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

2005 йил - Сиҳат - саломатлик йили

Жисмонан бақувват, руҳан тетик, иймон-эътиқоди мустаҳкам, маънавияти юксак, мард ва жасур ўғил-қизларни камол топтиришда тиббиётнинг аҳамияти катта. Президентимиз Ўзбекистон Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда соғлом авлодни шакллантириш омилларига тўхталиб, бугунги авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топтириш, мамлакат аҳолиси саломатлигини муҳофазалаш муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади.

ТИББИЙ МАДАНИЯТ

замирида нима ётади

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлганидек, Балиқчи туманида ҳам бу борада бир талай ижобий ишлар амалга оширилаётир. Бугунги кунда туманда 143 минг нафар аҳоли саломатлигини сақлаш учун 660 ўринли 4 та шифохона, 3 та поликлиника, 22 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 25 ўринга эга шошилинч тиббий ёрдам бўлими ишлаб турибди. Мазкур тиббиёт масканларида 238 нафар юксак тажрибали шифокор, 862 нафар ҳамширалар малакали хизмат кўрсатишяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, аҳолининг кўп қисми қишлоқларда истиқомат қилганлиги боис ҚВПларнинг аҳамияти катта бўлаётир. Режада белгиланган 25 та ҚВПнинг яна учтаси шу йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлайди. Жумладан, «Чинобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Тумор қишлоғида хўжалик ҳисобидан янги врачлик пункти бунёд этилди. Мазкур қурилиш объектига 20 миллион сўм маблағ ажратилди. Улуғбек ширкат хўжалигида айни пайтда фойдаланилмай ётган чойхона биноси ўрнида ҳам 50 ўринга мўлжалланган тиббиёт пункти қурилиши арафасида. Жорий йилда Сиза қишлоғида ҳам вилоят капитал қурилиш бўлими томонидан 50 ўринга мослаштирилган врачлик пункти қад кўтара бошлайди. Бунга 68 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Эътиборли жиҳати шундаки, аҳоли гавжум яшайдиган бу масканларда авваллари бундай тиббиёт пунктлари йўқ эди.

Фаолият кўрсатаётган врачлик пунктларининг барчаси умумий амалиёт шифокорлари билан таъминланган. Мустақиллик йилларида туманнинг «Ғалаба», Навоий номли, «Ўзбекистон», «Сиза» ширкат хўжаликларида замонавий типда қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. «Бўстон», «Чинобод», «Пахтакор», Бобур номли хўжаликлари ўз маблағлари ҳисобидан тиббиёт масканларини мукаммал таъмирдан чиқариб беришди. Намуна ва Шераличекдаги таъмирталаб тиббиёт пунктларини эса жорий йилда замонавий кўринишга келтириш учун хўжалик раҳбарлари билан туман соғлиқни сақлаш бўлими ўртасида келишув имзоланди.

Қувонарлиси шундаки, аҳоли саломатлигини муҳофазалаш масалаларига кўплаб ҳомий ташкилотлар ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар. Жумладан, Жаҳон банки республика «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида вилоятдаги ҚВПларни жаҳон талаблари даражасида жиҳозлаш, асбоб- ускуналар билан таъминлаш учун мурувват ёрдами кўрсатиш режалаштирилган. Шу йилда тумандаги 9 та врачлик пункти энг сўнгги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши мўлжалланган. Айни чоғда 2 та марказий поликлиникада аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилган. Сир эмаски, қишлоқ жойларда айниқса қиш ойларида электр токи билан таъминлашда бир қатор узилишлар бўлиб туради. Бу ҳолат қимматбаҳо асбоб-анжомларнинг ишлашига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Ана шундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ушбу поликлиникаларда генератор ўрнатилган. Хориждан келтирилган ноёб асбоб-ускуналар мазкур тиббиёт масканлари учун айни муддао бўлаётир.

Аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, кишилар ўртасида тарқаладиган турли юқумли касалликларни олдини олишда амбулатория хизматининг ўрни муҳим. Ана шунга кўра туманда давлат бюджетидан ажратилган умумий маблағнинг 51,5 фоизи амбулатория ва поликлиника хизматлари учун сарфланяпти. Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда туманда 1 нафар беморни даволаш учун йилига ўртача 42 минг 228 сўм маблағ зарур бўлади.

Оилада тиббий маданиятни ошириш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилаш учун 6 та гуруҳ тузилган. Улар томонидан маҳалла фуқаро йиғинларида тушунтириш ишлари олиб борилади. Айни пайтда ҳудудда 90 ўринга мўлжалланган 2 та туғруқ комплекси бор. Шифокорлар етакчилигида маҳалла ва мактабларда соғлом ҳаёт муҳитини яратиш борасида семинарлар ўтказиляпти.

Ҳудудда вилоят «СПИД маркази»нинг филиали ташкил этилган бўлиб, замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланган. «Аср ўлати» деб ном олган бедаво дард инсониятга жиддий хавф туғдиряпти. Бу офатга чалинмаслик, кишилар ўртасида тарқалишига қарши туманда ҳам турли хил профилактик тадбирлар олиб борилияпти. Бу ерда 1 нафар олий тоифали шифокор, 2 та ҳамшира хизмат қилади. Мазкур ташхис марказида юқумли бўлган гепатит-В,С, токсоплазмоз касалликлари ҳам аниқланиб, нафақат тумандаги, балки қўшни Улуғнор тумани аҳолисига ҳам хизмат кўрсатяпти.

Ўтган Меҳр ва мурувват йилида туманда талайгина ибратли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 9 ой давомида 16 минг 143 нафар пенсионер ва ногиронлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 812 нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. 3732 нафар беморлар диспансер назоратига олиниб, 1130 нафари шифохоналарда, қолгани амбулатория усулида соғломлаштирилди. Ёрдамга муҳтож, якка-ёлғиз кексалар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларидан 58 нафарига АДМИ клиникасида даволанишлари учун йўлланма берилиб, 46 нафари сиҳатгоҳда соғлиқларини тикладилар.288 нафар беморларга дори-дармон бепул тарқатилди.

Юқумли касалликлар билан касалланиш бўйича вилоят ва тумандаги қиёсий кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, уларни камайтириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида тумандаги Болалар ва ўсмирлар поликлиникасида 3 миллион 335 минг сўмлик, Балиқчи ҳомиладорлар патологияси бўлимида 3 миллион 829 минг сўмлик ва туман силга қарши курашиш бўлимида 5 миллион 884 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, ҳудуддаги Маллачек, Ботир, Олчазор ва Бўстонда жойлашган ҚВПлар ҳомийлар томонидан фойдаланишга топширилди. Ана шундай саховатли ҳомийлар саъй-ҳаракати билан «Чинобод» ширкат хўжалиги Тумор маҳалласидаги собиқ болалар боғчаси биносини қишлоқ врачлик пунктига айлантириш режалаштирилган.

Одил ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

БОҒЧАДА ТАБИАТ БОҒИ

Республикамиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида «Учинчи минг йиллик боласи» дастури доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, Наманган вилоятидаги ишлар таҳсинга лойиқ. Жумладан, Норин туманидаги «Булбулча» болалар боғчасида ёш авлодни соғломлаштириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида кўплаб ишлар қилинди. Бунда I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, услубчи Муқаддас Исмоилованинг ҳиссаси катта бўлаётир.

Муассасага халқ таълими вазирлиги томонидан 130 турдаги спорт жиҳозлари олиб берилди. Боғчадаги очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаси, «Эртаклар шаҳарчаси», турли манзарали дарахтлар экилган кичик «табиат боғи», иссиқхонада парвариш қилинаётган лимонлар ва бошқа қулайликлар яратилган. Ушбу даргоҳдаги ўлкашунослик музейидаги бой экспонатлар, тарихий буюмлар жажжиларда янги-янги таассуротлар пайдо бўлишида туртки бўлиб хизмат қилаётир.

– Ушбу мактабгача таълим муассасаси энг намунали ҳисобланади, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси Роҳила Мирзаева. – Жажжилар орасида бугунги кунда кўп учраётган бўқоқ касаллигининг олдини олиш учун бу ерда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Таркибида йод моддаси мавжуд бўлган мевалар муассаса боғида парвариш қилинади. Уларга йодланган туз ҳамда бошқа витаминлар билан бойитилган озиқ-овқатлар берилади. Аҳамиятли томони шундаки, ўтган йили боғча томорқаси ва боғида етиштирилган турли хилдаги мева-сабзавотлардан 5 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олишга муваффақ бўлинди. Яқин кунларда эҳтиёждан ортиқча 15 тонна сабзи тумандаги бошқа боғчаларга «Таъминот савдо» идораси орқали етказиб берилди. Бу ҳам муассасага катта даромад келтирди.

Ибрат

Ўз касбининг фидойиси, тажрибали мудира Санобархон Азимова муассасадаги 1-,2- синф ўқувчиларини ҳамда катта ва кичик гуруҳдаги кичкинтойларнинг ақлий қобилиятларини ошириш учун зарур бўлган барча методик қўлланмаларни муҳайё этган. Катта гуруҳдаги болакайлар республикамиз рамзлари, тарихий шаҳарларимиз, дунё давлатлари ҳақида кенг тушунчага эгалиги кўпчиликни лол қолдиради.

Наманган шаҳрида 68 та мактабгача таълим муассасаларида 8010 нафар кичкинтойлар тарбияланади. Уларга 898 нафар педагог ходимлар, 58 нафар логопед, 70 нафар ҳамшира, 64 нафар мусиқа раҳбарлари, услубчи ва тарбиячилар қарашади. Шаҳардаги 31-«Пахтаой» махсус мактаб боғчаси, 8-«Эртак», 6-«Табассум» мактабгача таълим муассасаларидаги болалар учун яратилган шарт-шароитлар, уларга берилаётган таълим-тарбиядан айниқса, ота-оналар мамнун.

«Табассум» боғчаси мудираси, «Халқ маорифи аълочиси» Назира Мирзакаримованинг иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилмоқда. Бу даргоҳда диний қадриятлар, миллий анъаналаримиз, аждодларимиз меросини ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Болажонлар ўртасида ўтказилган «Қувноқ стартлар» телемусобақасида республикада биринчи ўринни эгаллаган ушбу муассасадаги 380 нафар болаларнинг барчаси спортга бирдек жалб қилинган. Шуни таъкидлаш керакки, маркетинг хизматидан олинган 340 минг сўм фойда ҳисобидан боғча учун ўтган йили ўйинчоқлар, турли безаклар ва гуллар харид қилинди.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

«ЖИЗЗАХ ПОЧТАСИ»ДАГИ ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР

Почта хизматисиз бугунги ҳаётимизни тасаввур этиш қийин. Лекин истеъмолчи манфаатини бир четга суриб, соҳада қонунбузилишларга йўл қўяётган кимсалар ҳам учраб туради.

– Текширишлардан маълум бўлдики, жойларда аҳолига кўрсатилаётган почта хизмати қўпол тарзда бузилиб, юқори нархлар қўлланилмоқда, - дейди монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Олимжон Қулматов. – Масалан, Ғаллаорол туман почта боғламасида аҳолидан ортиқча ҳақ олиш эвазига қисқа вақтда 132,6 минг сўм ноқонуний даромад олинган. Бахмал, Зомин, Фориш туман почта бўлимларида ҳам шу каби қонунбузилишлар содир этилган. Буни қарангки, «Жиззах почтаси» қисқа муддатда 251,3 минг сўмлик ноқонуний даромадга эга бўлган.

Аҳолининг пул жўнатмалари бўйича эса Мирзачўл туман почта филиали 51 минг, Пахтакор туман бўлими 34 минг, Фориш тумани 45,6 минг, Зафаробод тумани 24,5 минг ва бошқа филиаллар ҳам ортиқча ҳақ олиб, «ким ўзарга» беллашган гўё.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда «Жиззах почтаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг жойлардаги қатор тизимларида корхона номи, жойлашган манзили, иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар кўринарли жойда акс этмаган. Арнасой, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Мирзачўл, Пахтакор туман филиалларида эса кўрсатилаётган хизматлар ҳақидаги маълумотлар, нарх ва тарифлар «Истеъмолчилар бурчаги»да акс этмаганлиги мижозларга қийинчилик туғдирмоқда.

Бир қатор почта алоқа бўлимларида мавжуд тош-тарозилар давлат стандарт кўригидан ўтмаганлиги истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир. Жамиятга қарашли марказий почта шохобчаси ходимлари махсус кийим-кечаклар билан таъминланмаганлиги,ҳали-ҳануз кўкрак нишонларига эга эмаслиги мутасаддиларни негадир ташвишлантирмаяпти.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

«Ишонч» фош этади

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатлар жараёнида юзага келаётган муаммоларни вақтида ҳал этиш, экин майдонлари ҳосилдорлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

СОХТА ФЕРМЕРЛАР

Шунинг учун ердан унумли фойдаланиш деҳқон зиммасида. Бироқ Қорақалпоғистон Республикасидаги айрим деҳқон-фермер хўжаликларида амалдаги қонун талабларини бузиш ҳолларига йўл қўйилаяпти. Давлат мулки ҳисобланган ердан ижара шартномасида кўрсатилган мақсадларда фойдаланмаслик ҳолатлари учраб турибди.

Нукус туманидаги «Оқ жигит» фермер хўжалиги раҳбари Т.Сарсенбоев 6 гектар ерни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 10 йил муддатга ижарага олган эди. Аммо ўтган бир йил давомида фермер даласида ҳеч қандай маҳсулот етиштирилмаган ва керакли ташкилотларга ҳисобот топширилмаган. Шунинг учун хўжалик ерга эгалик ҳуқуқидан маҳрум этилди ва тугатилди. Фермерга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди. Тумандаги яна иккита деҳқон фермер хўжаликларида ҳам ернинг умри бекор ўтган, бизнес режада кўрсатилган экинлар ўстирилмаган. Бундай ноқонуний ҳолатлар уларни тугатишга олиб келди.

Қўнғирот туманида жойлашган «Усенев Карамитдин» фермер хўжалиги билан «Қўнғирот ун заводи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ўртасида давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган. Келишувга мувофиқ фермер хўжалигига 1 миллион 24 минг сўм бўнак пули ажратилганлигига қарамай, ҳар хил баҳоналар билан у 31 тонна ўрнига 13,9 тонна маҳсулот етказиб берган. Шартномада кўрсатилган 17,1 тонна ёки 1 миллион 198 минг 319 сўмлик дон топширилмасдан қолган. Хўжалик судининг ҳал қилувчи қарорига асосан фермер хўжалигидан 665 минг 200 сўмлик бўнак маблағи ва шартнома мажбуриятларини бажармагани учун 353 минг 158 сўм жарима ундирилди.

Тумандаги «Юсуф», «Мадреим қоқир», «Ғаний», «Қуанишбой жонар», «Тожиддини мулла» фермер хўжаликлари шартнома режаларини барбод қилган бўлсалар, «Марс-1» фермер хўжалиги ўзига ажратилган ерга эмас, «Кокли Тау» ширкат хўжалигига қарашли майдонларга экин экиб, олинган маҳсулотлар ҳақида давлат статистика идораларига ҳеч қандай ҳисобот тақдим этмаган.

Тўрткўл тумани бўйича ердан тўғри фойдаланмаганлиги учун суд қарори билан 11 та фермер хўжаликларининг шартномалари бекор қилинди. Масалан, «Арслон» фермер хўжалигига туман ҳокими қарори билан 1997 йил 27 январда 22 гектар экин майдони ажратилган. Аммо кейинги уч йил давомида пахта топшириш бўйича контрактация шартномалари уддаланмаган. Туман ҳокимлигининг ерни қайтариб олиш хусусидаги даъво аризаси қондирилиб, ижара шартномаси бекор қилинди.

Беруний туманидаги «Қаҳроши» деҳқон-фермер хўжалиги раҳбарининг масъулиятсизлиги туфайли 16,2 гектар майдоннинг 4 гектарига бизнес режа ва шартномада кўрсатилмаган шоли экилган. Туман прокуратурасининг огоҳлантиришига қарамасдан, белгиланмаган экинлар ўстириш билан шуғулланган. Экин майдонлари хўжалик суди қарорига мувофиқ олиб қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига 3220 дан ортиқ даъво аризалари киритилган бўлса, унинг 203 таси деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятига тааллуқли.

Масалан, Шуманай туманидаги «Маштак» фермери «Қонликўл гуруч» ҳиссадорлик жамияти билан 6 гектар ердан буғдой етказиб бериш бўйича бўнак пулини олдиндан олган. Мавсум якунида режани уддалолмай аросатда қолган. Натижада шартномада кўрсатилган 7,2 тонна маҳсулотни топширмаган.

Беруний туманидаги «Думан» фермер хўжалик раҳбари Э.Тўраев антиқа усулни қўллаган. 5 гектар ерга чигит экилди, деб ҳисобот берган. 2,5 гектар майдонга шоли уруғи сепган. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ фермер хўжалигининг ерга эгалик ҳуқуқи бекор қилинди.

Ерни қадрлаган кишининг ҳамиша ошиғи олчи. Ҳар бир фермер хўжалиги шартнома шартларига тўлиқ риоя этиб, ажратилган экин майдонларидан ернинг умрини беҳуда ўтказмасдан самарали фойдаланса, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган бўлади.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

I. «БИР ЎЛКАКИ, САЛ КЎРМАСА, ҚУЁШ СОҒИНАР...»

Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул билан мулоқот

Қалби пок мардона элнинг сен азиз фарзандисан,
Ганжу мулкка бергисиз эл гавҳари, дилбандисан.
Ҳар калиманг маърифатнинг уфқида ойдек тўлиб.
Эл аро топдинг шараф сен устоз Ойбек бўлиб.
Шан ҳаётнинг одамийлик, хайру софликдан нишон,
Чақнади шеърингда шиддатли давр бирлан замон.
Гаҳ Навоий суҳбатингда, гаҳ Торобий, Йўлчи гоҳ,
Сен севикли даврим ўғли бегумон, беиштибоҳ.
Хизматингдан, ҳикматингдан элу юрт мангу ризо,
Ўчмагай, номинг асрлар сўнгидан бергай садо.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Архив

- Иброҳим ака, чинор шохларини қуёшга томон қанча юксалтирса, унинг томири ҳам ерга шунчалик чуқур кириб бораркан. Ойбекдек миллат фахр-ғурурига айланган улуғ зотлар ҳам ана шундай чинорга ўхшайди. Беруний ҳазратлари айтганларидек, бундай комиллик ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул қилолмайди. Шу боис, илмий, адабий мероси маданиятимиз, маънавиятимизнинг бебаҳо хазинаси ҳисобланган бундай илми комиллар ижодини қанча кўп ўқисак, ўргансак, инсон эрки, Ватан, миллат тўғрисидаги тасаввурларимиз шунчалик бойиб бораверади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу йил мамлакатимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адибнинг 100 йиллиги кенг нишонланади. Инсон қалби ва тафаккурига кескин таъсир қила олган, адабиёт ишини қисмат иши деб билган, сўзни нурлантирган Ойбекнинг буюк шахсияти ҳақида сўзлаб бергингиз. Унинг ўзига хослиги нимада эди?

- Гапни ривоятдан бошласам. Нақл қилинишича, жуда қадим замонда бир подшоҳ Ҳазрати Исонинг расмини чиздирмоқчи бўлиб, мамлакатидаги энг машҳур мусаввирни ҳузурига чорлабди. Ва аҳли сарой олдида унга, «Сен бизга Исо Масиҳнинг муқаддас сиймосини яратиб бермоғинг керак. Бугундан бошлаб ҳамма ташвишлардан фориғсан. Муҳлат эса ўн йил...», дебди.

Мусаввир ишни поклик ва маъсумликда Ҳазрати Исога яқин бир одамни ахтаришдан бошлабди. У кўп кезиб, кўп изланибди. Бироқ, мўлжаллаган кишисини тополмабди. Бу орада белгиланган вақт ҳам охирига етай деб қолибди. Ноумид бир аҳволда уйига қайтар экан, ўзининг ҳовлиси атрофида хаёл суриб турган ўсмирни кўрибди. Юзига қараб суюниб кетибди-ю, дарҳол ишга киришибди. Расм чизиб тугалланибди. Шоҳ ҳам, амалдорлар ҳам худди тирик Исони кўргандай ҳайрат ила қабул қилишибди уни.

«Сен бизнинг ишончимизни оқладинг, - дебди шоҳ мусаввирга, - биз бу нурли сиймонинг Ҳазрати Исолигига асло шак келтирмаймиз. Лекин кўнгилларда зарача ҳам шубҳа бўлмаслиги учун яна бир суврат яратмоғинг керак. Бу гал Шайтон расмини чизасан. Муҳлат ўша - ўн йил».

Яна саёҳат, яна изланиш бошланибди. Қаердаки, маккор, ҳийлагар, айёр, доғули, хуллас, шайтонсифат кимса бор деб эшитса, мусаввир ҳаммасини бориб кўрибди. Аммо чизишга юраги дов бермабди... Қарангки, ўн йил ўтгач, Шайтоннинг «прототип»ини ҳам ўзининг қадрдон кўчасидан топибди. Кейин маълум бўлишича, у бир пайтлар мусаввирнинг мушкулини осон айлаган йигитчанинг ўзи экан.

Одам фарзандининг феъл-атвори мана шунақа: фаришта бемалол иблисга эврилиши мумкин. Ҳаёт ва ташқи муҳит таъсирида инсон покиза ва муқаддас ҳиссиётларини бой бериб, тубан бир қиёфа касб этиши шубҳасиз ҳақиқатдир. Бунда на илм, на адабиёт, на санъатнинг кучига ортиқча баҳо бериб бўлмайди. Акс ҳолда илм ва адабиёт оламида, юз минг қиёфада турланиб-тусланувчи, макр ва ҳийлада иблисга ҳам бемалол сабоқ беришга қодир кимсаларнинг сони даврдан-даврга, асрдан-асрга кўпайиб бормасди. Шу маънода гўзаллик расули, адабиёт сарвари бўлган буюк Ойбек яшаб ижод этган қаттол замонга, бешафқат асрга қанча маломат ёғдирса ҳам кам, албатта. Бироқ эркин фикр, мустақил қараш, юксак ижодий руҳнинг ғаними бўлган давр ҳам Ойбекни - шаффоф шахсиятли бетимсол Ойбек ўлароқ камол топишига монелик қилолмаган. Ойбек маъсум санъаткор, дили ҳам, тили ҳам покиза, сафдошлари орасида умр бўйи болалик соҳлигини сақлай билган ижодкор.

Оллоҳ унга бутун бир миллат суянса, фахрланса, ибрат олса, арзигулик самимият ва масъулиятни ато этган.

Кўнгил йўли билан Ойбекка яқинлаша олган одам ўзини янгидан туғилгандай ёки ҳис-туйғулари тозариб, янгилангандай тасаввур қилади. Кўнгли қаттиқ, ҳислари кирланиб, моғорланиб ётган кимса Ойбек дунёсига ошно бўлгандан сўнг ҳам ич-ичидан бир пушаймонлик сезмаса, ундан одамийлик кутмаслик лозим.

Олмон файласуфларидан бири, «Боши осмонга етадиган Дарахтнинг томирлари дўзах қаърига узаниши керак», дейди. Ҳа, илдиз қудратли бўлмаса, илдиз қийинчилик ва қийноқларга чидамаса, Дарахт кўкка томон бўй чўзолмайди. Йигирманчи аср воқелиги, айниқса, унинг биринчи ярми дўзахдан ҳам баттар қўрқинч қўзғаган. Ўшандаги хор-зорлик, юртимизда содир этилган ўша қаро кунлардаги қирғин ва хунрезликлар жаҳаннамда ҳам бандасига раво кўрилмайди.

Баъзан шуни ўйлаганимда, «Нега жаннатда адабиёт йўқ?» - деган саволга жавоб топгандай бўламан. Чунки, жаннатда азоб, уқубат, зулм ва зўравонлик йўқ. Адабиёт эса дунёни дўзахга айлантирган ёвузлар, шайтонларга қарши курашиш учун зарур қурол ва дахлсиз таянчдир.

Кулфатдир ҳаётнинг ҳамроҳи,
Соядек йўлингда ҳамқадам.

Ойбек ҳаётга ана шундай дақиқ ва рост назар ила қараган. Ҳаёт ҳамроҳига айланган кулфат ҳамиша унинг бағрини эзиб турган. У нечоғлик ўзини бардам тутмасин, нечоғлик кўтаринки, қувончли оҳангларда асарлар битмасин, якранг, турғун ва биқиқ ҳаёт уни барибир толиқтирар, зериктирарди:

Зерикишдан зерикдим жуда.

Шунда ҳам Ойбекнинг руҳидаги ёлқин сўнмаган, кўнгли ўлмаган. Чунки, миллатининг ночор аҳволи, мазлум элнинг чўнг ва чегарасиз қайғуси, ҳасрату армонлари олдида омад, шон-шуҳрат, мақтову мукофотлар бир чақага арзимаслигини у ниҳоятда теран ва ҳаққоний мушоҳада қилган. Мен Ойбекнинг танҳоликдаги хаёл, ҳол ва ғуссаларини ўзимча кўп ўйлайман, аммо бир йиғи овози ҳар гал бағримни тилгандай бўлаверади.

Танҳо кезаман. Йиғлар
Юрагимда Ватаним...

Ойбек қийин замонда ҳаёт кечирган эди. Унинг карвони, шоир айтгандек, итлар галаси орасидан ўтган эди. Ойбек яшаган муҳит талантли одамларни чиқиштирмайдиган, тилли-забонлиларни ёқтирмайдиган, фақат мутелар ва лаганбардорларга, чақимчилар ва ҳасадгўйларга кенг йўл очиб қўйган муҳит эди. Бу муҳитда яшаган заифроқ одамлар ундан бошдан оёқ жирканч иллатларга бурканиб чиққан эди. Фақат Ойбекка ўхшаган қалби тоза, энг юксак даражадаги инсонийлик мақомига эга бўлган олижаноб инсонгина бу муҳит иллатларини юқтирмаган. Нопоклар ичида покиза қолиш ҳам улуғликнинг белгисидир.

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Шундай юракни англашга уринмаслик, шундай улуғ шахсиятга таъзим қилмаслик инсофданми?

- Маълумки, адабиётда ижодий қиёфа билан инсоний қиёфанинг тўла мувофиқ келиши жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Мақолаларингизда алоҳида таъкидланганидек, кўп ёзувчи ва шоирларнинг «Мен»лиги ёзган фикрлари, яратган қаҳрамонларига хос ахлоқий-маънавий фазилатлардан кескин фарқланади. Ана шу тафовут эса китобхон назарида ҳар қандай истеъдодли ижодкор обрў-эътиборини бир пулга айлантиради. Биз истаймизми, истамаймизми, бундан адабиётга ишонч ҳам шикаст топади. Мумтоз адабиётимиз намояндалари ижодини чуқур билган ва уларнинг анъаналарига содиқ қолган Ойбек асарлари билан ҳаёти, ижоди билан шахсияти орасида ички бир уйғунлик, ўзаро оҳангдорлик борки, ундан ҳар қанча ўргансак оз. Ойбек ҳаётда қандай бўлса, ёзган асарларида ҳам шундай: самимий, ҳалол, иродали, оқ кўнгил.... Унинг шахсиятида сунъийлик, сохтакорлик, ёлғон йўқ. Даврнинг аёвсиз бўронлари, риёкор кимсалар қилмишлари унинг буюк шахсиятини парчалай олмайди. У қоронғу кунлардан нур, ёмонликдан яхшилик қидириб яшайди.

- Ўзни адабиётга буткул бағишлаш, ҳар қандай шароитда адабиётга холис ва виждонан хизмат қилиш учун фақат истеъдодли бўлиш, фақат истеъдодга таяниш етарли эмас экан. Истеъдодни синдириш, сўндириш, Ҳақ йўлидан бемалол чалғитиб қўғирчоққа айлантириш мумкинлигига тарих кўп ғувоҳлик беради. Инсоний қиёфа билан ижодий қиёфа орасидаги фарқ ҳам ана шу синиш, сўниш ва чалғишдан далолатдир. Адабиётнинг куч-қуввати, равнақи учун бу албатта зиён, албатта ёмон.

Талант - халқ мулки, талант халққа суянади, деган гапни кўп эшитганмиз. Сиртдан қараб, қабул қилинганда, бу фикр тўғри. Аммо аслида талант - Ҳақ ва ҳақиқат мулки, ҳар қандай халқ ўзининг буюк талантларига суянмаса, ҳуррият руҳини бой беради, қуқдалик ташвишлар «тегирмон»ида янчилиб, эзилиб юраверади.

Шу ўринда мен муҳим бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим: Ойбекнинг Шахс ва ижодкор сифатида камол топишини Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Айний, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода сингари улуғ замондошларининг инсоний ва ижодий тақдиридан ажратилган ҳолда тасаввур этиш тўғри бўлмайди. Уларнинг биридаги нурли ишонч, иккинчисининг ёрқин иқрорига, биридаги қатъият, бошқасидаги жасоратга, бировларидаги покизалик, бошқа биридаги садоқат ва масъулиятга боғланиб, шундоқ уйғунлашиб кетган. Зеро, улардан ҳеч бирининг миллат ва адабиёт манфаатидан олийроқ, муқаддасроқ мақсаду матлаблари бўлмаган. Энг қийин, энг таҳликали вазиятларда ҳам улар бадиий ижодда руҳ, маслак, эътиқод бузғунчилигининг олдини тўсувчи дахлсиз «майдон» борлигини эсдан чиқаришмаган. Агар Чўлпон ўзлигини Абдулла Қодирий ёки Фитратдан, Ойбек Ғафур Ғулом, Шайхзода ва Қаҳҳордан бутунлай йироқ сезганда, тилда бошқача сайраб, дилда тамоман ўзга бир иддао учун олишганида адабиётдаги парокандалик «ҳадди аъло»сига етиб, олчоқлик, қўрқоқлик, иккиюзламачилик муҳити адабиётимизни адойи тамом қилган бўларди. Менинг шахсий хулосам бўйича, йигирманчи аср ўзбек адабиёти етишган Бирлик, чин маънодаги ижодий маслакдошлик туйғусини барқарор этишда Ойбек марказий сиймолардан ҳисобланади. Зеро, Ойбек каттадир, кичикдир, ҳеч бир истеъдоднинг ютуқларига ғашланиб қарамаган, гуруҳбозлик қилмаган, ёлғиз мен зўрман ва ҳақман дея туну кун ўз шахсиятини илгари суришга берилмаган.

Одамлар бор, ўлгандан кейин унутилиб кетади.

Одамлар бор, ўлгандан кейин ҳам яшайверади.

Ойбек эса қанча узоқлашса шунча яқинлашяпти. Узоқлашган сари қадри ошяпти. Узоқлашган сари одамлар мехри уни бағрига тортяпти. Узоқлашган сари овози тиниқ, ёрқин эшитиляпти...

Олимларнинг далолат беришича, ҳозир осмонда чақнаб турган сонсиз юлдузларнинг кўпи минг йиллар олдин сўнган, аммо уларнинг шуъласи ҳалигача келиб турибди.

Ойбек жисмонан сўнди, лекин унинг даҳоси таратган шуъла дилларимизни ҳамон ёритиб турибди.

Мен ана шундай буюк зот билан кўп суҳбатларда бўлганимдан ғурурланаман, шундай алломанинг назари тушганидан кувонаман.

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Биласизми, ҳар бир одамда бири иккинчисига ўхшамайдиган, кўп ҳолларда ўзаро кескин фарқланадиган гўё икки мавжудлик яшайди. Бири унинг моҳияти, иккинчиси, шахсияти. Моҳият - бу ички «мен», фақат унга хос бўлган меросий хислат ва хусусиятлар. Шахсият-чи? Моҳиятга нисбатан муваққат, ҳаттоки тасодифий борлиқ: шу боисдан файласуфлар уни либосга, сунъий ниқобга қиёслашган. Дарҳақиқат, атроф-муҳит, тарбия, илм ёки сиёсат онгга таъсир ўтказса, ҳеч шубҳасиз шахсият ўзгаради. Шунинг учун олдин бирор нарсага қатъий инонган одам ташқи таъсирлар туфайли ёки зарурият боис энди бошқа нарсага инонади. Негаки, шахсиятни ташкил қилувчи «унсур»ларни ўзгартириш ҳам, зоҳирий куч ва воситалар орқали тубдан янгилаш ҳам мумкин. Моҳиятни эса бундай қилиб бўлмайди. **ОЙБЕК СИНГАРИ ЗОТЛАРНИНГ БОШҚАЛАРДАН АСОСИЙ ФАРҚИ ЎША КЎЗГА КЎРИНМАС МОҲИЯТНИНГ ГАВҲАРДАЙ ТОЗАЛИГИ ВА ФАВҚУЛОДДА ЁРҚИНЛИГИДАДИР. ОЙБЕКНИНГ НУРГА, ЗИЁГА, ОЙ, ҚУЁШ, ЮЛДУЗЛАРГА ОШИҚЛИГИНИНГ СИРЛАРИНИ ЭНГ АВВАЛО ШУНДАН АХТАРИШ КЕРАК.** Ойбек характерига яқин ижодкорлар бошга бало-ю қазо, туҳмату иғво дўл бўлиб ёғилганда ҳам ҳақиқатга хиёнат нари турсин, қарши бўлишни хаёлга ҳам келтиролмайдилар.

Тўғри, шўро замонида яшаб ижод қилган атоқли санъаткорларнинг кўпчилиги қайси ғоя, қайси мавзуларда қалам тебратган бўлса, Ойбек ҳам тахминан шулар тўғрисида ёзган. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Бошқачасини талаб этиш - истеъдоди, тўғрилиги ва илоҳий илҳом завқидан бўлак муҳофизи ва муҳофазаси бўлмаган адибга энг машъум жазо тилаш билан тенгдир. Чўлпон, Қодирий, Фитрат ёхуд ўспирин Усмон Носирга шафқат қилмаган мустабид тузум, унинг Манқурт малайлари Ойбекни аярмиди?

Ўзни чеклаш, умумий ёлғон ва мадҳиябозликларга мажбуран аралашиш, чаладан чала ҳақиқатларга зоҳиран кўникиш, кишан ва қафасни эслатиб тургувчи эҳтиёжлардан эзилиш - шулар Ойбек қалбини ғам-ғуссага чулғаган. Аммо мутафаккир адиб ҳақиқат ахтаришдан тинмаган. Охир-оқибат билсаки, ҳақиқат соқов, инсон эса заиф ва кучсиз экан.

Ҳақиқат соқовдир, заифдир инсон,
Тошлар ҳам йиғлайди - сир тўла осмон.
Ҳақиқий олам не? Жавоб йўқ, ҳайҳот!
Файласуф тўқийди ҳисобсиз ёлғон.

Фалсафа ва сиёсат, илм ва адабиёт тили ила тўқилган ҳисобсиз ёлғону алдовлар оломон кўзига парда тортиб, онг ва шуурини заҳарлаган. Эрксиз инсон ҳолига тошлар йиғлаган, бироқ алданган мазлум - «эрк эртаклари»га инониб, овуниб яшайверишган.

Турк улуси, халқи мунча эзилдинг?
Фақирлик, ғариблик ошган ҳаддидан.

Ойбекнинг усмонли турк эли ҳақида айтган бу фикри унинг ўз жафокаш улусига ҳам тегишли эди.

- Адибнинг умр йўлдоши Зарифа Саидносирова ўз хотираларида шундай ёзади: «У ишлаб ўтирганда пешонасида мияга қараб кетган тик бир томири ўқлоғидек қабариб турарди. Шу пайтда у атрофида рўй бераётган ҳамма нарсани тамом унутарди. У фикрларини шундай теран ишлата биларди. Унинг ўзи ҳам ҳамиша: «Юрак қоним билан ёзаман», - дерди.

Ҳақиқатдан, унинг юрак қонлари фикрини суғорар эди. Унинг ижод жараёни нашъали ва ўзига хос эди». «Юраги қонаб» асарлар ёзган Ойбекни академик адиб сифатида элига азиз ва мукаррам этган фазилати илм ва истеъдодидами ёки боладек самимий беғубор қалбида?

- Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ёзилишича, Шайх Саъдий оташнафас шоир Хусрав Деҳлавий ҳақида: «Қиёматда ҳар киши бир нима била фахр этгай. Мен Хусравнинг кўксининг куюки била фахр қилғумдир», дер эканлар. Бу «куюк» кўнгулнинг садр, қалб, ишгоф, фуод сингари номлар билан аталадиган етти тавридан бири, яъни сувайдодир. Уни илоҳий гўзаллик ва латифлик сирларини кашф этиш мартабаси ҳам дейишади.

Агар биров бугун мендан, «Сен қиёматда нима билан фахр этгайсан?», деб сўраса, ишонинг, «Ойбекдай содиқларнинг кўнгли билан», дея жавоб берган бўлурдим. **ОЙБЕКНИНГ КЎНГЛИ - ЧИН ГЎЗАЛЛИК ВА СЕВГИ ЧАШМАСИ, МЕҲР ВА ШАФҚАТ ГУЛШАНИ, ИЖОД ВА ИЛҲОМ УММОНИ.** Лекин у ҳақда қанча гапирманг, барибир таърифу тавсифга сиғдириб бўлмайди уни. Чунки оламни мунаввар қилган нур ва ёлқин офтобдан таралгани билан унинг айни ўзи эмас-да!

Менинг ушбу мулоҳазаларим кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Бундан мен ажабланмайман. Негаки, басирати очиқ ҳар бир ижодкор Ойбекнинг қалб ва руҳ мақоми нақадар олий, нақадар ҳайратланарли эканини мендан ҳам яхши ва теранроқ англашига ишончим комил.

Дарвоқе, бултур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ноябр ойи сонларидан бирида босилган устоз Озод Шарафиддиновнинг Ойбек ҳақидаги «Миллатни уйғотган адиб» номли мақоласида шундай бир гап бор: «Эҳтимол, бироз муболаға бўлар, лекин ўйлайманки, ёзувчилар орасида ХХ асрда иккита комил инсон бўлса, уларнинг бири Ойбекдир, агар битта бўлган бўлса, у ҳам Ойбекдир».

Мен бу фикрга юз фоиз қўшиламан. Агар комиллик матлаби ила сайри сулук йўлига кирган сўфий ва дарвешлар Ойбек сийратидан хабардор бўлишганда, шулар ҳам унга тан беришарди. «Қандай қилиб бу одам ҳатто нафсни ҳам руҳга ошиқ айлаган?» дея ҳайронлар қолишарди. Ҳолбуки, нафс ва таъма қайғусида имонни сотиш, ҳақиқий истеъдодларга ғўр қазиш, забун ва ночор миллат аҳволига бефарқ бўлиш тақдирланаётган ўша замонларда Ойбек ботиний узлатдан ором олиб, фароғат топиб бир дарвеш ҳаётини яшаган. Энг қизиғи, у ўзини «сўнгги дарвеш» деб англаган.

Салом, эй ой,
Мунгли эски дўст!
Боқ, тагимда яна
Ўша тақир пўст.
Ўша шамшод асо,
Ўша қамиш най...
Фақат ўзга ҳижрон,
Ўзга жом ва май,
Мажҳул саҳродамен,
Ой, бўл пир ва эш.
Ғояга эришсин
Бу сўнгги дарвеш!

Хастамен... Фикрга, туйғуга тўлиб –
Ой менга ҳамқадам – сокин юрамен,
Соғайсам бир куни ёзамен тўйиб,
Ҳисларга қалбимни қўшиб ёзамен.

Кечалар юрурмен телбадай ҳориб –
Бошимда ой борур – менга ҳамқадам
Хаёллар учади машъалдай ёниб,
Тўйиб ёзажакмен бир кун соғайсам...

Қаранг, эски дўст - Ой. Мунгли мусоҳиб - Ой. Орада най, жом ва май. Кўзланаётган пир, яъни муршид ҳам Ой. Нақл этилмишким, подшоҳликдан кечиб дарвешлик йўлига кирган Иброҳим Адҳам ўтин орқалаб бозорга бораётганда аввалдан таниш бир одамга дуч келибди. Албатта собиқ султоннинг аҳволи унга ачинарли туюлибди. Ва ундан «Сен тожу тахтингдан ажралиб нимага эришдинг?» деб сўрабди. Шунда Иброҳим Адҳам «Агар мен етишган ботиний завқ ва ҳузурни ҳукмдорлар билганида эди, аллақачон менга қарши жанг эълон қилишарди», деган экан.

Менимча, Ойга қараб, «Менга пир бўл, мусоҳиблик қил», дейиш ҳеч бир дарвешнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса керак. Боз устига, мангу чиройга мафтунлик чақалоқликдаёқ бошланганига нима дейсиз?

Онамнинг қўлида талпиниб ойга,
Қўлларим чўзаркан туйдим сеҳрини.

Хуллас, Ойбек ҳали тўла кашф этилмаган Сир. **Ойбек қуёш ва ой соғинчига соҳиб муаззам бир ЎЛКАДИР.**

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар.
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА,
«Ишонч» махсус мухбири

Талант қанчалик катта, қанчалик кудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, конга ўхшаш ернинг қаърида бўлади. Бу кон – талантни қазиб олиш учун аввало катта ақл, ундан кейин катта билим, матонат, куч, ғайрат, буларнинг устига дард бўлиши керак.

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди.

Абдулла ҚАҲҲОР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



БИР ҲОВУЧ ҒАВҲАР

Илмнинг офати - эсдан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиш эса уни зое қилмоқликдир.

* * *

Мунофиқлик белгиси учтадир: ёлғон сўзлаш, ваъдасининг устидан чиқмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.

* * *

Қалбинг мулойим, ҳожатинг раво бўлишини хоҳлайсанми? Хоҳласанг, етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошларини сила, ўз таомингдан едир, шунда дилинг эриб, ҳожатинг раво бўлур.

* * *

Кўй боқинглар, чунки у баракадир.

* * *

...Қўшнингизга яхшилик қилинг- тинч бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг - саломат юрувчи бўласиз. Кўп кулманг. Кўп кулмоқлик дилни ўлдиради.

* * *

Яхши ва хайрли амалларнинг бирортасини кичик санаманг, сув сўраган кишининг идишига челагингиздан сув қуйиб бериш билан ёки биродарингизни очиқ юз билан қарши олиш билан бўлсада эзгулик қилинг.

* * *

Бирор кишидан: «Одамлар тамоман бузилиб кетди», деган гапни эшитсангиз, билингки, ўша одамнинг ўзи кўпроқ бузилгандир.

* * *

Қўшниларингиз сизни яхши одам дейишаётган бўлса, демак, сиз яхшисиз. Агар улар сизни ёмон одам дейишаётган бўлса, демак, сиз ёмон одамсиз.

* * *

Бирор тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчибди, деб эшитсаларинг, унга ишонаверинглар, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди, деб эшитсаларинг ишонманглар, чунки у албатта туғма феълига қайтар.

* * *

Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб қўзиса, дарҳол у сукут сақлашга ўтсин.

* * *

Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.

* * *

Касбнинг энг яхшиси, кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир.

(«Минг бир ҳадис» китобидан)

ШАНБА - ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ўзбекистон-ватаним маним

ЧЎҚҚИДАГИ ҚЎРҒОН

Нур водийсини ўраган икки тоғ тизимининг ўнг томонидагисини Оқтоғ, чап ёндагисини эса Қоратоғ дейишади. Ҳар иккала тоғ нафақат қазилма бойликлари билан, балки ўз бағридаги қадим авлод-аждодларимиз яшаган оддий макондан, токи катта шаҳарларгача борлигини ҳамма ҳам билавермайди. Норотдан 30 ёки 40 чақиримлар ғарбда Оқтоғ тизмаси тугаган маконда Пашшод деган шаҳар бўлганлиги маълум. Чуя қишлоғи билан Лангар кони ўртасидаги Қизилқўрғон, «Толлаи-зар» қўрғони ҳақида ҳам унинг харобалари, пойдеворлари гувоҳлик бериб турибди. Ёки Зулқайнар қишлоғи, Мортув дўнги, Куви қоқ, Консой, Фозилмон ота, Қум ота, Жаннати, Сангижуммон, Сармичу, Дарасой суратлари, Занги ота, Анбар она қудуқлари, Ханоқа ота шаршараси, хуллас, бир неча ўнлаб қадимда ота-боболаримиз яшаб, макон этиб кетган ғорлар-у, ҳудудлар халқимиз тарихининг нақадар узоқ асрларга бориб тақалишини исботловчи жойлар кўпдир...

Бугун шундай жойлардан бири, тоғ чўққисида жойлашган «Толлаи-зар» қўрғони ҳақида баён қилмоқчи эдим... Бу чўққидаги қўрғонга Нурота туманидаги Чуя қишлоғидан Лангар кони томон асфальт йўлдан кўтарилиб Қўштархон деган қишлоқчадан ўнг қўлга қараб икки чақирим юрилса, рўйрост бўйи билан баланд салобатли Такку чўққисининг қоқ белида жойлашган Лангар қўрғонидан тўсиб қўювчи баланд чўққи бор. Бу чўққи йўл сатҳидан 350-400 метрлар баланд бўлиб йўл томонга ўзининг силлиқ, ёни билан, яъни шарқ ва шимол томонлари билан кўринади. Чўққининг шимолий этагигача бемалол енгил машинада ҳам борса бўлади, қолган йўлни ўтиш учун бирор чақирим жануб томон баландликка кўтарилишга тўғри келади, чунки чўққига олиб ўтувчи йўл фақат битта бўлиб, у чўққининг жануб томонидадир. У томонга автомашинада ҳам бориш мумкин, бунинг учун эса асфальт йўл билан Лангар қўрғонига чиқиб, бирор чақирим пиёда пастликка, чўққи этагига тушиб, йўлча орқали тепага кўтарилса бўлади. Ушбу чўққига йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларида ҳам пишиқ ғиштдан ясалган зинапоя йўлакдан чиқилар эди.

«Толлаи-зар» деб аталадиган ушбу чўққига кўтарилгач, майдончага чиқсангиз қўрғончанинг пойдеворлари сақланган, деворлар эни бир метр атрофида цемент лой билан терилган бўлиб, лойда оппоқ-оппоқ қўшимча сифатида ишлатилган ашёларни кўриш мумкин. Етмишинчи йилларнинг охирларида камина қўрғон деворларининг қолдиқларини бир газ баландлик ҳолатида сақланганлигининг гувоҳи бўлганман. Лангар қўрғонилик кексаларнинг кўпчилиги уруш йиллари ўша вақтдаги кон раҳбари Финкельштейн деган шахс «Толлаи-зар» қўрғонининг ғиштларини кўчиртириб келтириб, мактаб қурилишида ишлатганини ҳамон айтиб юришади. Ушбу қўрғон ҳақида ривоятлар ҳам кўп. Бири ушбу қўрғонни Мақотил деган ботир «кофирлар» билан урушда чекиниб, шу қўрғонни қурган ва душманга енгилмай қутилиб кетган деса, яна бир ривоятда Искандар Зулқарнайн билан бўлган урушда бир қаҳрамон халққа бош бўлиб ушбу қўрғонни қуриб македонияликларга қарши курашиб енгилмаганлигини ва у вақтлар бу қўрғон «Таш ва Макра» деб аталганлигини сўзлаб беришади. Хуллас, у қандай аталмасин бу чўққи устига қурилган қўрғонни бизнинг элимиз йигитлари қурганига ҳеч бир шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бас, шундай экан, у бизнинг мулкимиз, тарихимиз, уни атрофлича ўрганмоғимиз, сақламоғимиз, қадрига етмоғимиз шартдир. Муҳтарам президентимиз айтганларидек, ўз тарихимизни чуқур ўрганмоғимиз, ўзлигимизни, аждодларимизнинг ким бўлганлигини бутун дунёга кўрсатмоғимиз зарурдир.

Ж.ЙЎЛДОШЕВ,
геолог.

ТИШ ПАРДОЗЛАРИ

Биласизми?

Тишни пардозлаш жуда қадим замонлардан бери маълум. Масалан, олимлар Миср эҳромларидан бирида мўмиёланган мурданинг оғзидан ёғоч ва олтиндан ясалган сунъий тишлар топганлар. Қадим мисрликларнинг одатига кўра машҳур кишилар ўлганда, унинг мурдасини безаб, қоши, бурни ва тишларини олтин сувига бўяганлар.

Қадимги Ҳиндистон, Греция ва Римда сунъий тишлар сим ёки ипак билан тортиб боғлаб қўйилган. Ўша вақтларда сунъий тишларни фил суяги, от ва буқа тишларидан ясашган. Тишларни қолипда ясаш усули XVIII асрнинг охирларидагина Европада пайдо бўлган. Сунъий жағ ясашни француз стомотологи Фошер ихтиро қилган.

Қадимги замонда ва ҳатто ўрта асрларда мутлақо соғлом бўлган олд тишларини суғуртириб ташлаш одати бўлган. Баъзилар буни гўзаллик белгиси деб ҳисоблашар, баъзи бир қабилаларда эса диний эътиқод туфайли шундай қилишарди. Чунки олд тишлар гўё ёмонлик келтирар эмиш.

Қадим халқларда тушиб кетган сут тишларини уйларининг тепасига ташлаш одати ҳам бўлган.

Ҳозирги покистонликлар ота-боболари қадимда ўз тишларини эговлаб, сўнгра ёнғоқ, тамаки ва пальма баргини чайнашган. Натижада уларнинг эговланган тишлари қип-қизил бўлиб пардозланган.

Футбол-тест

КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1.Қозоғистон суперлигаси аъзоси «Тобол» клуби шарафини муваффақиятли ҳимоя қилаётган ҳамюртимиз...

A) Николай Ширшов
B) Владимир Радкевич
C) Улуғбек Бақоев
D) Жаъфар Ирисметов

2.Осиёнинг 2004 йилдаги энг яхши ўйинчиси ким?

A) Али Каримий
B) Аъло Хубайл
C) Парк Чу Йонг
D) Шансуке Накамура

3.Жанубий Америкалик иқтидорли футболчи, «Барселона»нинг собиқ ҳужумчиси Хавиер Савиола айни пайтда қайси жамоада ўйнаяпти?

A) «Лион» (Франция)
B) «Челси» (Англия)
C) «Реал» (Испания)
D) «Монако» (Франция)

4.Европа чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг барча учрашувида мағлубиятга учраб, рақиб жамоалар дарвозасига биронта ҳам гол киритта олмаган биринчи жамоа сифатида мусобақа тарихидан жой эгаллаган клуб номини топинг.

A) «Рома» (Италия)
B) «Депортиво» (Испания)
C) «Андерлехт» (Бельгия)
D) «Байер» (Германия)

5.Испания - Италия - Бразилия - Греция. Бу йўналиш қайси машҳур «чарм тўп» устасига тегишли?

A) Рональдо
B) Эмерсон
C) Кафу
D) Ривальдо

Буюк Хитой девори энг улкан иншоотлардан бири ҳисобланади. У «Ванги гонг-чанг», яъни «10 мингли узунликдаги девор» деб номланиб, дастлабки қисми милоддан аввалги IV-III асрларда қурилган.

ЭНГ УЛКАН ДЕВОР

Кейинчалик уни қуриш ва мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилган. Хитой археолог олимларининг 2001 йилдаги илмий текширишларига кўра, Хитойнинг Жанубий-Ғарбидаги сунъий тепаликнинг ҳам Буюк Хитой деворига даҳлдорлиги аниқланди. Бу билан унинг умумий узунлиги 530 километрга чўзилди.

Бу улкан деворнинг баландлиги 6,6 метр, кенглиги асосида 6,5 метр, юқорисида 5 метр. Ҳар юз метрида соқчилар учун миноралар, муҳим қўрғонлари бўлган.

Девор бугунги кунда ҳам маъмурий ёдгорлик янглиғ эътибор топган.

АЙЛАНМА КРОССВОРД

Белгиланган ҳонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Вертолёт ихтирочиси. 2.Ҳинд миллий либоси. 3.Мусиқа ёзув. 4.Шифо топиш воситаси. 5.Мамлакатимизда ўтказиладиган қўшиқ танлови. 6.Сув билан қуршалган замин. 7.Дурадгорлик асбоби. 8.Вулқон маъдани. 9.Пойга автомобили. 10.Имтиҳон усули. 11.Дарахт ҳосили. 12.Танаси қаттиқ дарахт. 13.Ип газламага бериладиган парвоз ашёси. 14.Шафқат, раҳмдиллик. 15.Шоҳмот бўйича жаҳоннинг бешинчи чемпиони. 16.Ҳонадонга бошчилик қилувчи аёл. 17.Саноат ашёси, карбонат кислотанинг натрийли тузи. 18.Ҳозиргисига ўхшаш бўлган илк велосипед ихтирочиси. 19.Жанубий Америкадаги давлат. 20.Ошиқ томони. 21.Сибирь дарёси. 22.Дипломатик вакил унвони. 23.Зилзила кучининг ўлчов бирлиги. 24.Ҳарир ғалтак. 44.Ҳўл мева. 45.Вақт, фурсат. 46.Белги, тимсол. 47.Кўрк, чирой. 48.Хоразм вилоятидаги обидалар маскани, шаҳар. 49.Қуруқ мева.



МУАММОНОМА

Шакл атрофидаги рақамларда икки мисра ҳикмат ва унинг муаллифи яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар асосида билиб олинг.

1.Низомий Ганжавий достони – 3, 8, 5, 1, 16, 7, 1, 4, 16, 2, 11, 1

2.XIV аср ўзбек шоири Хоразмийнинг исми – 15, 9, 5, 14.

3.Қадимги юнон афсонаси қаҳрамони, жасорат тимсоли – 13, 10, 4, 1, 6, 17.

4.Оҳанг, санъат асари – 6, 9, 12.

Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ

Таниқли рус шоираси Анна Аҳматова иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаб, самарали ижод қилган эди. Унинг «Мардлик», «Қасам», «Ғалаба», «Тошкент гуллаб-яшнайди» каби шеърлари ҳам ўзбек диёрида яратилди.

ШОИРАНИНГ КЛУБ-МУЗЕЙИ

Бу машҳур сўз устаси хотирасини абадийлаштириш мақсадида республикамиз пойтахтида уй-музей очилди. Тошкент трактор заводи маданият саройида ташкил этилган бу маданият маркази эндиликда Анна Аҳматова клуб-музейи деб аталмоқда.

Мазкур даргоҳ очилганига беш йил бўлди. Бу ерда шоиранинг Ўзбекистондаги ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб экспонатлар сақланмоқда.

Шу сана муносабати билан Тошкент Давлат мусиқа коллежида ижодий кеча ўтказилди. Тадбирда шоира шеърлари билан ижро этиладиган қўшиқлар ҳам янгради.

УЛУҒ ЗОТ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси учун ўтган 2004 йил самарали бўлди. Кино усталари томонидан яратилган 30 дан ортиқ экран асарлари мавзу доираси билан ҳам ажралиб туради.

«Аҳмад Яссавий» деб номланган ҳужжатли фильм эса йилнинг энг сўнгги постановкаларидан бири сифатида юзага келди.Таниқли шоир ва дин арбоби ҳисобланган бу улуғ зот ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир муҳим воқеалар мазкур экран асарида ўз аксини топди. Туркистонда зиёратгоҳга айланган Аҳмад Яссавий мақбарасида суратга олинган тасвирлар ҳам томошабинни ҳаяжонга солади.

Таниқли кино режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан яратилган бу фильмдаги саҳнавий кўринишларни Бухоро вилоят ўзбек драма театри актёрлари жонлантирдилар.

Янги киноновелла мутахассислар томонидан энг яхши ижод намунаси деб баҳоланди.

А.АЛИЕВ

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тафтиш комиссияси раиси Салим Раҳимовга умр йўлдоши **Замирахон МУИНОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

НИМ ТАБАССУМ

Саводсиз кампир нафақасини олганда қўшув белгисини қўйиб имзо чекарди. Бир гал у қўшув белгиси ўрнига доира чизди.

- Нима гап, хоним? - деб сўради кассир. - Нега доира қўйдингиз бу гал?

- Мен турмушга чиқдим, - деди кампир. - Энди бошқа фамилиядаман.

* * *

- Орадан анча йиллар ўтгач, - деди бир камбағал рассом уй эгасига, - одамлар бу хароба қулбани кўриб, бу ерда буюк рассом яшаб ижод этган дейишади.

- Гапингиз тўғри. Лекин ижара ҳақкини бугун тўламасангиз, одамлар бу гапни эртагаёқ айтиши мумкин.

* * *

- Менга мақтаб сотган ғозингиз жуда қари экан, бемаза экан.

- Бунисини билмайман, лекин 15 йилдан бери паррандалар кўргазмасида биринчи мукофотни олиб келарди.

* * *

Йўловчилардан бири тиланчига деди:

- Гавдангга қара! Бир ўзинг тўрт кишининг ишини қила оласан. Тиланчилик қилгани уялмайсанми?

- Э жаноб! Мен бир киши бўла туриб, тўрт одамнинг ишини қилиб, ҳақини олсам, бу адолатдан бўладими?

* * *

- Соатингиз бузилипти. Уни кунига икки марта бурашингиз керак.

- Овқатдан олдинми, кейинми?

* * *

- Мудир билан учрашмоқчи эдим.

- У киши йўқлар.

- Қандай қилиб йўқ бўладилар? Ҳозиргина кўрдим-ку?

- Тўғри, лекин у киши сизни олдинроқ кўрган эди.

* * *

- Айт-чи, Пьер, Людовик ўн олтинчининг отаси ким бўлган?

- Людовик ўн бешинчи.

- Карл еттинчининг отаси-чи?

- Карл олтинчи.

- Яхши. Франциск биринчининг отаси ким бўлган?

- Франциск етимча бўлган.

* * *

- Дадаси, эски пальтомнинг ҳамма тугмаси тушиб кетипти. Кўчага чиққани уялади, киши.

- Ҳечқиси йўқ. Эртага олиб бераман.

- Пальтоми? - деб суюниб кетибди хотини.

- Йўқ, тугма.

* * *

Профессор: Бу билимингиз билан сиздан шифокор чиқмайди. Баҳоингиз - икки.

Талаба: жон домлажон, уч қўяверинг. Барибир бош врач бўлиб ишлайман.

- Сиз сира тайёрланмаган бўлсангиз, қандай қилиб, имтиҳон топшира оласиз?

- Ўртоқ профессор, мен имтиҳон топширишдан бошқа ҳамма нарсага тайёрман.

* * *

- Уйланганлар уйланмаганларга қараганда узоқ яшайди дейишади. Шу ростми?

- Йўқ. Уларга умр узоқдай туюлади, холос.

* * *

- Ҳа, оғайни, биров қувиб келаётгандай шошиб кетяпсан?

- Хотинимга шляпа олувдим.

- Хўш, нима бўпти?

- Уйга етгунимча мода ўзгариб қолмасмикан деган ташвишдаман.

* * *

- Бу машина кирни яхши ювадими?

- Ювганда қандоқ!

- Ундай бўлса, олганим бўлсин. Эримнинг иши анча енгиллашади.

А.ҲАКИМОВ
чизган сурат

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 016 1 2 3 4 5